

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2018 йил декабрь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Қнинг раислигида, Э.Бнинг котиблигида, давлат айбловчиси Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчилари Ж.А ва К.А, судланувчи А.Ж ва унинг химоячиси адвокат Г.Қнинг иштирокида, Ж.Ага нисбатан бўлган жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ж.А, 1978 йил 6 февраль куни Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда ҳайдовчи-таъминотчи вазифасида ишлайди, муқаддам судланмаган, Урганч шаҳри, “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини, Лочин кўчаси, 1-йўлак, 12-уйда яшайди, 2018 йил 27 октябрдан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 23 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ж.А “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда ҳайдовчи-таъминотчи вазифасида ишлаб келиб, фуқаро И.Ани алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, унга Тошкент шаҳрида ишловчи мансабдор танишлари борлигини айтиб, ушбу танишларига 1.100 АҚШ долларини пора тариқасида берса, унга бир дона “Дамас” русумли автомашинани навбатсиз тез фурсатда сотиб олиш учун шартнома олиб беришини ва ушбу автомашинани “GM O'zbekiston” АЖ омборларидан қисқа муддатда олиб келтиришда ёрдам беришини ваъда қилиб, уни пора беришга қизиқтириб, пора беришга далолат қилиб, 2018 йил 25 август куни И.Адан Урганч шаҳри, Лочин кўчаси, 1-йўлак, 12-уйда 1.100 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида ушланган.

Судланувчи А.Ж судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2014 йилнинг октябрь ойидан “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда ҳайдовчи-таъминотчи вазифасида ишлаб келаётганлиги, вазифасига “Хоразм-Автосавдо” МЧЖга олиб келинадиган янги автомашиналарни Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан олиб келиш кириши, 2018 йилнинг июль ойида ўзи билан бирга “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда уста бўлиб ишловчи таниши “А” И.Ани ёнига олиб келиб, И.А “Дамас” автомашинаси сотиб олмоқчилигини, автосалонда навбат кўплиги сабабли шартнома олишда ёрдам беришини сўраганлиги, ўзи И.Ага автомашина учун шартномани Тошкент шаҳрида

ишловчи мансабдор танишлари орқали битказиб беришини, бунинг эвазига Тошкентдаги танишларига 1.100 АҚШ доллари бериши кераклигини айтганлиги, кейин И.Ага фуқаролик паспорти нусхаси ва ИНН гувоҳнома нусхаси кераклигини айтганлиги, И.А унга фуқаролик паспорти нусхаси ва ИНН гувоҳномаси нусхасини бериб кетганлиги, кейин ўзи Тошкент шаҳрида яшовчи таниши С.Сга телефон қилиб, унга “Дамас” автомашинаси учун шартнома кераклигини айтганида, у ҳозирда шартнома йўқлигини, ўзининг номига ишончнома расмийлаштириб беришини, фуқаролик паспорти нусхасини телеграмм орқали ташлаб беришини, иши ҳал бўлганидан кейин ўзи хабар қилишини айтганлиги, кейин ўзи И.Ани чақириб, унга автомашина учун таниши С.Сни паспорт нусхасини бериб унга ишончнома олиб келишини айтганлиги, И.А С.С номига ишончнома ёздириб унга берганлиги, шу орада И.А билан телефон орқали 2-3 маротаба “Дамас” автомашинаси сотиб олиш бўйича гаплашганлиги, телефонда И.Ага “Дамас” автомашинасини Тошкент шаҳридаги автосалондан битказиб бера олишини, буни эвазига 1.100 АҚШ доллари беришини айтганлиги, 2018 йил 24 август куни соат 15:00ларда И.Ага қўнғироқ қилиб “Дамас” автомашинасига шартнома олиб бериш учун келишилган пулни олиб келишини айтганлиги, И.А унга пулни 25 август куни олиб боришини айтганлиги, 2018 йил 25 август куни соат 12:30ларда И.А 1.100 АҚШ долларини Урганч шаҳри, Лочин кўчаси, 1-йўлак, 12-уйга олиб келиб берганлиги, ўзи пулни санаб олганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланганлиги, ходимларга 1.100 АҚШ долларини женси шортигининг чап томон чўнтагидан олиб ўз ихтиёри билан тақдим қилганлиги, текширувчиларга И.Адан олган 1.100 АҚШ долларини Тошкент шаҳрида яшовчи С.Сга бермоқчи бўлганини айтганлиги, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлиги ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ И.А судда, 2018 йилнинг июль ойида “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда уста бўлиб ишловчи таниши Ани ёнига бориб, ундан “Дамас” автомашинаси олиши учун шартнома топиб беришини сўраганлиги, А унга суриштириб кўришини айтганлиги, бир ҳафтадан сўнг А телефон қилиб, “Дамас” автомашинаси учун шартномани “Хоразм-Автосавдо” МЧЖда ишловчи Ж.А ҳал қилиб беришини айтганлиги, сўнг А уни Ж.А билан таништириб қўйганлиги, ўзи А.Ж билан гаплашиб, унга “Дамас” автомашинаси сотиб олиши учун шартнома кераклигини айтганида, А.Ж ҳозирда шартнома йўқлигини, шартнома учун паспорт нусхаси ва ИНН гувоҳномаси кераклигини айтганлиги, кейин А.Жга паспорт нусхаси ва ИНН нусхасини берганлиги, 2018 йил 25 июль куни А.Ж унга телефон қилиб, “Хоразм-Автосавдо” МЧЖга чақириб, шартномани Тошкент шаҳридаги танишлари орқали битказиб беришини, шунинг учун бошқа шахс номига ишончнома бериши кераклигини айтиб, унга нотаниш бўлган С.Снинг паспорт нусхасини берганлиги, кейин ўзи Хонқа туманидаги нотариусга бориб, фуқаро С.С номига ишончнома ёздириб, А.Жга олиб бориб берганлиги, шу орада ўзи А.Ж билан 2-3 маротаба “Дамас” автомашинаси учун шартнома ҳақида гаплашганида, унга ҳозирда шартнома йўқлигини,

бўлганида ўзи хабар қилишини айтганлиги, 2018 йил 24 август куни унга А.Ж телефон қилиб, “Дамас” автомашинасига шартнома учун 1.100 АҚШ доллари етказиб беришини, ушбу пулни Тошкент шаҳридаги танишларига бериб юбориши кераклигини айтганлиги, кейин мазкур ҳолат бўйича Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганлиги, аризаси юзасидан 2018 йил 25 август куни тезкор тадбир ўтказилганлиги ва унга Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари томонидан 100 талик купюрадаги жами 1.100 АҚШ долларига ҳолислар иштирокида кимёвий ишлов берилиб, 2 та 100 талик купюрадаги АҚШ долларига “Ага пора” деган ёзувлар ёзилиб, унга ҳужжатлаштириб берилганлиги, кейин шу куни соат 12:00ларда тезкор ходимлар кузатуви остида А.Жни Урганч шаҳри, Лочин кўчаси, 1-йўлак, 12-уйига борганлиги, А.Ж уни уйда кутиб олиб, ундан “Дамас” русумли автомашинани сотиб олиши учун навбат кутмасдан автосалонларда ишловчи танишлари орқали шартнома олиб бериши эвазига 1.100 АҚШ долларини олганлиги, шунда тезкор ходимларга келишилган ишорани берганлиги, сўнг тезкор ходимлар А.Жни ушлашганлиги ҳақида баён қилди.

Гувоҳ Д.Я судда, 2018 йил 25 август куни ўз ишлари билан юрганида, ўзларини Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари деб таништирган шахслар тезкор тадбирда ҳолис сифатида қатнашишини таклиф қилишганида, ўз ихтиёри билан ҳолис сифатида қатнашишга рози бўлганлиги, унга ҳолисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, сўнг И.Анинг аризаси юзасидан Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва Хоразм вилояти ИИБ ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилганлиги, тезкор тадбирга аризачи И.А ўз розилиги билан жалб қилиниб, унга Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармасида тезкор тадбирларда фойдаланиб келинаётган 11 дона 100 талик купюрадаги жами 1.100 АҚШ долларига кимёвий ишлов берилиб, 2 та 100 талик купюрадаги жами 200 АҚШ долларига “Ага пора” деган ёзувлар ёзилиб, “А” исмли шахсга бериш учун И.Ага бериб юборилганлиги, 2018 йил 25 август куни соат 12:00ларда И.А тезкор ходимлар томонидан кузатувга олиниб, олдиндан келишилган Урганч шаҳри, Лочин кўчаси, 1-йўлак, 12-уйда яшовчи “А” исмли шахснинг яшаш хонодонига юборилганлиги, И.А “А” исмли шахснинг уйига кириб кетганлиги, И.А 1.100 АҚШ долларини берганлиги бўйича келишилган ишорани кўрсатганидан кейин тезкор ходимлар “А” исмли шахсни олдига боришиб, ўзларини таништиришиб, И.Анинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганини айтишиб, ундан ўзини таништириш сўралганида, у ўзини Ж.А деб таништириб, И.Адан бир дона “Дамас” русумли автомашинага шартнома олиб бериши эвазига 1.100 АҚШ доллари олганини айтиб, жени шортисининг чап чўнтагидан ўз ихтиёри билан 1.100 АҚШ долларини чиқариб тақдим қилганлиги, кейин А.Жнинг ўнг ва чап қўлларидан ҳамда жени шортигининг чап чўнтагидан пахта тампони ёрдамида суртмалар олиниб, алоҳида конвертларга солиниб муҳрланганлиги, кейин А.Ждан ҳужжатлаштириб олинган 1.100 АҚШ доллари махсус аппаратда кўздан кечирилганида, пулларда махсус куқун

излари ялтираб кўринганлиги ва жами 200 АҚШ долларига “Ага пора” деган ёзувлар ёзилганлиги аниқланганлиги, А.Ждан олинган 1.100 АҚШ долларининг серия-рақамлари И.Ага тадбирда фойдаланиш учун берилган долларнинг серия ва рақамлари билан бир хиллиги аниқланганлиги, шундан сўнг ҳолат ҳужжатлаштирилганлиги ҳақида баён қилди.

Хоразм вилоят эксперт-криминалистика бўлимининг 2018 йил 18 сентябрдаги 147-сонли хулосасида, умумий қиймати 200 АҚШ доллари бўлган 2 дона 100 купюрадаги АҚШ долларининг олди ва орқа томонларидан топилган кўп кукун моддалари махсус кимёвий модда ҳисобланиб, таққослаш учун юборилган намунага кимёвий таркиби ва нурланиш ранги билан ўхшашлиги, умумий қиймати 200 АҚШ доллари бўлган икки дона 100 купюрадаги АҚШ долларининг сиртида ёзилган “АГА ПОРА” ёзуви таққослаш учун юборилган махсус қалам изи намунасига ранг товланиши билан ўхшашлиги, А.Жнинг ўнг ва чап қўлларидан артиб олинган оқ пахта бўлакчаларида топилган кўп кукун моддалари махсус кимёвий модда ҳисобланиб, таққослаш учун юборилган намунага кимёвий таркиби ва нурланиш ранги билан ўхшашлиги кўрсатилган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Жнинг содир қилган жинояти, юқорида келтирилган далиллардан ташқари, фуқаро И.Анинг ИЖҚК Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи номига ёзган аризаси, пулларга кимёвий ишлов бериш ва бериб юбориш ҳақидаги баённома, кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома, диктофонни бериш ва қабул қилиб олиш ҳақидаги баённомалар, ёзиб олинган сўзлашувлар баёни, А.Жнинг телефон аппаратини кўздан кечириш ҳақидаги баённома, сўзлашувлар туширилган дискни эшитиб кўриш ҳақидаги баённома, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, ҳимоячи Г.Книнг музокарасидаги А.Жнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмини чиқариш ҳақидаги ҳамда бошқа важларини муҳокама қилиб, А.Жнинг содир қилган жинояти ишдаги тўпланган далиллар ва суд терговида сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тўлиқ ўз исботини топганлиги сабабли ушбу важларга танқидий баҳо бериб, рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 22-банди учинчи хатбошисида, “Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли Қарорининг 15-бандида, “Агар айбдор пора

берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олганида ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборганда, қилмиш фирибгарлик деб тавсифланиши лозим. Бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча тавсифланиши керак. Пора берувчининг ҳаракати бундай ҳолларда пора беришга суикасд деб тавсифланиши лозим бўлади. Бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмайди” деб тушунтириш берилган.

Суд, ушбу Пленум қарорлари тушунтиришларидан келиб чиққан ҳолда, тергов органи томонидан судланувчи А.Жнинг ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ҳамда пора беришга далолат этганликдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси бешинчи бандида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181¹, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, А.Жга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда, унинг шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, айбига тўлиқ иқроп ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ҳамда

ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир қилганини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни, жарима суммасини жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, яъни ҳисоблашни, шунингдек, у иш фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятни содир қилганини эътиборга олиб, келгусида яна шу каби жиноятларни содир қилишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан қўшимча жазо сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, уни муайян вақт мобайнида “Хоразм-Автосавдо” масъулияти чекланган жамияти ва шу фаолият билан боғлиқ ташкилотларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган И.Ага тегишли фуқаролик паспорти нусхаси, ИНН гувоҳномаси нусхаси, И.А номидан берилган ишончноманинг фотосуратларини ҳамда И.А ва А.Жлар ўртасидаги сўзлашувлар ёзиб олинган бир дона “DVD+R” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган бинт, қўлқоп, махсус қалам ва кукун намуналари, пулдан олинган намуна, А.Жнинг ўнг ва чап қўллари кафтидан артиб олинган пахта тампонини тегишли тартибда йўқ қилишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, АТИБ “Ипотека банк” Хоразм вилоят филиалига 2018 йил 29 октябрдаги АУ №584070-сонли квитанция билан бир сўм қийматида топширилган 200 АҚШ долларини Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига қайтаришни;

Ашёвий далил деб эътироф этилган 900 АҚШ доллари тергов давомида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига қайтарилганини қайд қилишни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган судланувчи А.Жга тегишли бўлган қора рангли Model: MDG1 “REDMI-5” русумли шахсий қўл телефон аппаратини А.Жга қайтаришни лозим топади.

Суд, мазкур жиноят иши бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини қайд қилишни лозим топади.

Суд, мазкур жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУҚМ ҚИЛДИ:

Ж.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга “Хоразм-Автосавдо” масъулияти чекланган жамияти ва шу фаолият билан боғлиқ ташкилотларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 60 (олтмиш) баравари миқдорида 11.058.000 (ўн бир миллион эллик саккиз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ж.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 60 (олтмиш) баравари миқдорида 11.058.000 (ўн бир миллион эллик саккиз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан Ж.А Бахтиёровичга нисбатан тайинланган жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга “Хоразм-Автосавдо” масъулияти чекланган жамияти ва шу фаолият билан боғлиқ ташкилотларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 75 (етмиш беш) баравари миқдорида 13.822.500 (ўн уч миллион саккиз юз йигирма икки минг беш юз) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромади ҳисобига ундирилсин.

Тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижросини назорат қилиш Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

А.Жга қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда “гаров” эҳтиёт чораси сифатида Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” Хоразм филиалидаги депозит ҳисоб рақамига қўйилган 4.000.000 (тўрт миллион) сўм пул ҳукм қонуний кучга киргач гаров қўювчи Ж.А Бахтиёровичга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган И.Ага тегишли фуқаролик паспорти нусхаси, ИНН гувоҳномаси нусхаси, И.А номидан берилган ишончноманинг фотосуратлари ҳамда И.А ва А.Жлар ўртасидаги сўзлашувлар ёзиб олинган бир дона “DVD+R” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган бинт, қўлқоп, маҳсус қалам ва кукун намуналари, пулдан олинган намуна, А.Жнинг ўнг ва чап қўллари кафтидан артиб олинган пахта тампони тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, АТИБ “Ипотека банк” Хоразм вилоят филиалига 2018 йил 29 октябрдаги АУ №584070-сонли квитанция билан бир сўм қийматида топширилган 200 (икки юз) АҚШ доллари Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 900 (тўққиз юз) АҚШ доллари тергов давомида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Хоразм вилоят бошқармасига қайтарилганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши билан бирга сақланаётган судланувчи А.Жга тегишли бўлган бир дона қора рангли Model: MDG1 “REDMI-5” русумли уяли телефон аппарати қонуний эгаси А.Жга қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги қайд қилинсин.

Жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

А.Қаҳҳаров